ЎЗБЕКИСТОНДА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚЛАР ВОСИТАСИДА РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Ҳасанова Чинора Умаровна
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни
ривожлантириш институти таянч докторанти
https://doi.org/10.5281/zenodo.19313103

Аннотация. *Мазкур мақолада муаллиф томонидан иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланишнинг илғор хориж тажрибаси ва амалиёти келтирилган. Шунингдек, илғор хориж тажрибаси ва амалиётининг ижобий жиҳатлари тадқиқ этилиб, уларни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган ва бошқа шу каби долзарб масалаларига эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *солиқлар, инновация, инновацион фаолият, солиқлар воситасида рағбатлантириш, солиқ механизми, солиқ имтиёзлари.*

Маълумки, иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида корхоналарни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоғи ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, ҳудудларни фаол ривожлантириш белгиланди.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлида янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлаш керак. Иқтисодиётда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Шунингдек, технологик қолоқлик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, муқобил энергия манбаларини татбиқ этишнинг сустлиги иқтисодий тараққиёт йўлида тўсиқ бўлмоқда.

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширилади.

Инновацион фаолиятга таъсир этишда ва мазкур фаолиятни ривожлантиришда энг муҳим механизмлардан бири солиқлар воситасида рағбатлантириш ҳисобланади. Шунинг

учун, юқоридаги устувор йўналишлар ва асосий вазифаларни сифатли амалга оширишда, албатта бу орадаги хориж тажрибасини ўрганиш зарурати вужудга келади.

Солиқлар илмий-тадқиқот ва инновация соҳасида миллий корхона ва саноатнинг кўплаб тармоқлари фаоллигини рағбатлантиришнинг асосий механизмларидан ҳисобланади. Кескин халқаро рақобат ва дунё иқтисодиётини глобаллаштириш жараёнини жадаллаштириш шароитида жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари, солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш йўли билан илмий-тадқиқот ишларини ва энг илғор инновацион корхоналарни ривожлантиришга интилмоқда.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида аввалдан хусусий корхоналар, илмий-тадқиқот муассасаларининг турли ривожланиш даврларида инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантириш йўналишида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва самарали амал қилиниб келинган. Мазкур мамлакатларда инновацион фаолиятни рағбатлантириш мақсадида солиқ ставкаларини табақалаштириш (имтиёзли солиқ ставкалари), пасайтириш каби тартибга солиш характерига эга бўлган стандарт солиқ чораларидан ташқари, солиқ тўловларини кечиктириш, солиқ базасини камайтириш, солиқ чегирмалари бошқа механизмлардан кенг фойдаланилади.

Ривожланган мамлакатларда илмий-тадқиқот ишланмаларни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд:

- ✓ **Илмий-тадқиқот ишланмалар бўйича жорий харажатларни рўйхатдан чиқариш.** Ривожланган мамлакатлар корхоналарга илмий-тадқиқот ишланмалар бўйича жорий харажатларини ушбу харажатларни амалга оширилган ҳисобот йилида, чегириладиган харажатлар сифатида чиқариб ташланади. Айрим мамлакатларда эса ушбу фаолият билан боғлиқ кўрилган зарарнинг солиқ солинадиган фойдани тўлиқ суммасига ёки мазкур зарар суммасини келгуси даврларга тақсимлаб ўтказиш орқали амалга ошириш механизмлари қўлланилади.
- ✓ **Қўшимча солиқ чегирмаси.** Илмий-тадқиқот ишланмалар боғлиқ фаолият турлари бўйича бизнес учун солиқ юкламасини янада камайтириш ҳисобланади. Қўшимча солиқ чегирмаси корхоналарга уларнинг илмий-тадқиқот ишланмалар харажатларига нисбатан кўп миқдорда солиққа тортиш базасини камайтириш имкониятини беради. Жумладан, фирма фойда олган ҳолда ўзининг солиққа тортиладиган даромадини илмий-тадқиқот ишланмалар бўйича харажатларидан юқори бўлган қийматдан чиқариб, камайтириши мумкин. Ушбу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқи илмий-тадқиқот ишланмалар бўйича харажатлар ҳажмини мавжудлиги ёки олдинги даражаларга нисбатан уларнинг ўсиши билан аниқланиши мумкин.
- ✓ **Тадқиқот солиқ кредити (ТСК).** Ушбу восита нафақат дастлабки мақсадга йўналтирилган, балки аксарият тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, инновацияларнинг солиқли субсидиялашда солиқ имтиёзларининг асосига айланди. У бир нечта мақсадни илмий-тадқиқот ишланмаларга, яъни харажатлар таркиби ўзгаришига умумий харажатлар даражасини ушбу харажатларнинг алоҳида тармоқлари ўртасида оширишни кўзда тутади.
- ✓ **Инновацион солиқ кредити.** Фирма инвестициялари ҳажмини рағбатлантириш билан боғлиқ бу механизм инновациялар учун муҳим рағбат бўлиб хизмат қилади, бинобарин, янада янги ахборот технологияларига қаратилган инвестициялаш қийматини пасайтиради.

✓ **Илмий ходимларнинг иш ҳақига солиқлар бўйича имтиёзлар.** Хусусий инновацион фаолиятни рағбатлантириш тадбиркорнинг иш ҳақига харажатларини қисқартириш орқали амалга оширилади, унинг бир қисми илмий ходимларнинг тадбиркорлик ижтимоий бадаллари каби солиқлар ҳамда даромад ва ижтимоий солиқларни камайтириш ҳисобланади. Бунинг учун солиқ иш ҳақи тадқиқот кредити (R&D wage tax credit) каби солиқ воситасидан фойдаланилади.

Япония иқтисодиётининг инновацион ривожланиши илмий-тадқиқот ишлари ва ишланмаларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан ўзаро интеграциялашуви жиҳати билан ажралиб туради. Эътиборлиси шундаки, ушбу мамлакат компаниялари жаҳон иқтисодий инқироз таъсирини четлаб ўтиш учун илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ)га инвестицияларни йўналтиришни жадаллаштириш чораларини кўрмоқдалар.

Жаҳон амалиётида биргаликда илмий-тадқиқот фаолиятни амалга ошириш учун олий таълим ва ишлаб чиқариш компаниялари билан ўзаро инновацион ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида алоҳида солиқ имтиёзлари мавжуд. Масалан, АҚШда компаниялар томонидан университет ёки нотижорат илмий-тадқиқот ташкилотларига тадқиқот ишланмаларини яратиш учун фойдаланишга берилган асбоб-ускуналарга мол-мулк солиғи солинмайди.

Европа қитъасининг айрим давлатларида интеллектуал мулк объектлари (патент, номоддий актив) эгалари (муаллифлари) бўлган юридик шахсларнинг мулкий даромадларига корпорация солиғи бўйича имтиёзли ставкаси қўлланилади. Масалан, Голландияда корпорация солиғининг базавий ставкаси 20-25 фоизни ташкил этса, корхоналарнинг интеллектуал мулк объектларидан олинган даромадлари 5 фоизлик имтиёзли ставкада солиққа тортилади.

Кўплаб ривожланган мамлакатларда корхона ва ташкилотларнинг солиқ солинадиган фойдасини аниқлашда ИТТКИларига қилинган харажатлар жами даромад ҳажмидан чегириб ташланади, шу билан бирга инновацион фаолиятни янада рағбатлантириш мақсадида солиқ тўловчиларга қўшимча равишда махсус солиқ чегирмалари ҳам жорий қилинган.

Малайзияда маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиққа тортиладиган фойдани қўшимча равишда яна 100 фоиз (ҳаммаси бўлиб 200%) миқдорида ИТТКИларга сарфланган харажатларни чегириш ҳуқуқи берилган.

АҚШда ИТТКИларга учун тадқиқот солиқ кредитларини тақдим этади. Бу солиқ асосан асосий харажатлардан тадқиқот харажатлари ошиб кетган ҳолларда юз беради. Солиқ тўловчиларга қуйидаги солиқ имтиёзларидан фойдаланиш таклиф этилади. Анъанавий солиқ кредити –тадқиқот харажатларнинг 20% миқдорида, таянч миқдоридан ошиб кетса, муқобил соддалаштирилган солиқ кредити – 14% тадқиқот харажатларини ўз ичига олади. Мақсадли тадқиқот солиқ кредити – АҚШ қонунчилигида кўзда тутилган махсус турдаги тадқиқотлар учун солиқ кредитлари 20 фоиздан 50 фоизгача белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси 308 моддасига биноан корхона ва ташкилотлар янги технологик ускунани ишга туширса, ўз ишлаб чиқаришини модернизация қилса, техник ёки технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш амалга оширса, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтирса, инвестициявий чегирма кўринишида имтиёздан ҳисобот

(солиқ) даврида фойдаланиши мумкин ҳамда инвестициявий чегирма амортизация харажатлари деб эътироф этилади.

Инвестициявий чегирма қуйидаги миқдорда қўлланилади:

1) янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва (ёки) ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминотини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар суммаларининг 20 фоизи миқдорида;

2) ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасининг 10 фоизи миқдорида.

Хулоса қилиб айтганда, илмий-тадқиқот ишланмалар ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларини қўллашда, аввалambор, илмий-тадқиқот ишланмаларни солиқлар орқали рағбатлантириш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор мақсадларига, солиқ имтиёзларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигига, мазкур мамлакатларнинг солиқ тизими хусусиятларига боғлиқ. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни рағбатлантиришни янада ривожлантиришда самарадорликни баҳолашнинг ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида кенг татбиқ этилган ва инновацион фаолият натижадорлигига биринчи даражада таъсир кўрсатадиган, ривожлантиришга йўналтирилган, ўзининг самарадорлигини исботлаган ва рағбатлантиришда қўлланилган янги самарали инструментларга таяниш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2019-yil 30-dekabrdagi O‘RQ-599-sonli Qonunini bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Soliq Kodeksi
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 21 sentyabrdagi “2019-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5544-sonli farmoni. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 22.09.2018 y., 06/18/5544/1951-son.
3. Yo‘ldoshev A. Soliq va soliqqa tortish. Toshkent. - «Fan va texnologiya» -2007. 24-bet.
4. Xusainov R.R., Isxaqov A.Q., Urmanova D.T., Djuraev X.Z. Moliya va soliqlar. 2 qism (soliqlar). Toshkent. «VORIS-NASHRIYOT». 2014. 4 bet.
5. Xudoyqulov S.K. Soliq tizimi. O‘quv qo‘llanma (2-nashri). T.: «ILM ZIYO». 2013. 47 b.
6. Yahyoev K. Soliqqa tortish nazariyasi va amaliyoti –T.: G‘afur G‘ulom. 2003. 247 b.